

ЗАМОНАВИЙ КРИМИНОЛОГИЯДА САБАБЛАР НАЗАРИЯСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Ахмедов Даврон Муродович

*ИИБ Академияси Магистратураси “Ташкилий-тактик
бошқарув” мутахассислиги тингловчиси*

Аннотация: Мазкур мақолада замонавий криминологияда сабаблар назариясининг илмий-назарий асослари комплекс таҳлил қилинган. Жиноятчилик этиологияси доирасида сабаб ва шарт-шароит тушунчаларининг мазмун-моҳияти, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда фарқли жиҳатлари очиб берилган. Криминоген вазият сабабий омиллар ва шарт-шароитларнинг ўзаро таъсири натижасида шаклланувчи ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида асосланган. Шунингдек, ижтимоий муҳит назарияси, девиант хулқ-атвор концепциялари (аномия, ижтимоий назорат, субмаданият ва ижтимоий дезорганизация назариялари) ҳамда тизимли ёндашув доирасида криминоген омиллар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: жиноятчилик этиологияси, сабаб ва шарт-шароит, криминоген вазият, ижтимоий муҳит назарияси, девиант хулқ-атвор, аномия, ижтимоий назорат, субмаданият, ижтимоий дезорганизация, тизимли ёндашув, жиноятчилик профилактикаси, ижтимоий институтлар.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ТЕОРИИ ПРИЧИННОСТИ В СОВРЕМЕННОЙ КРИМИНОЛОГИИ

Аннотация: В данной статье проведён комплексный научно-теоретический анализ теории причинности в современной криминологии. В рамках криминологической этиологии раскрыта сущность понятий причин и условий преступности, их взаимосвязь и отличительные особенности. Криминогенная ситуация обоснована как социально-правовое явление, формирующееся в результате взаимодействия причинных факторов и условий. Кроме того, в статье проанализированы теория социальной среды, концепции девиантного поведения (аномия, социальный контроль, субкультура и социальная дезорганизация), а также криминогенные факторы в рамках системного подхода.

Ключевые слова: криминологическая этиология, причины и условия преступности, криминогенная ситуация, теория социальной среды, девиантное поведение, аномия, социальный контроль, субкультура, системный подход, профилактика преступности.

SCIENTIFIC AND THEORETICAL ANALYSIS OF THE THEORY OF CAUSATION IN MODERN CRIMINOLOGY

Annotation: This article presents a comprehensive scientific and theoretical analysis of the theory of causation in modern criminology. Within the framework of criminological etiology, the essence of the concepts of causes and conditions of crime, their interrelation, and distinguishing features are examined. The criminogenic situation is substantiated as a socio-legal phenomenon formed through the interaction of causal factors and conditions. In addition, the study analyzes the theory of social environment, concepts of deviant behavior (anomie, social control, subculture, and social disorganization theories), as well as criminogenic factors within the framework of a systemic approach.

Keywords: criminological etiology, causes and conditions of crime, criminogenic situation, social environment theory, deviant behavior, anomie, social control, subculture, systemic approach, crime prevention.

Криминоген вазият тушунчаси криминология фанининг марказий категорияларидан бири ҳисобланади ва у жиноятчиликнинг турли кўринишлари ҳамда уларнинг ривожланиш омилларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Криминоген вазият, ўз навбатида, жиноятчилик детерминацияси назариялари билан узвий боғланган бўлиб, у жиноятчиликка сабабчи бўлувчи ижтимоий, иқтисодий, психологик ва ҳуқуқий омилларнинг бир вақтда таъсир қилишини таҳлил қилиш имконини беради. Шунингдек, криминоген вазиятни аниқлаш ва баҳолаш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида барвақт профилактика чоралари ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқишда асосий илмий асослар яратилади. Криминологиядаги детерминация назариялари эса жиноятчиликнинг ички ва ташқи сабабларини тизимли ўрганишга, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни камайтиришга қаратилган чораларни мақсадли равишда ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Жиноятчиликни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш криминология фанининг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, жиноятчилик этиологиясини ўрганувчи криминологик назариялар тизими жиноятни тасодиқий ҳодиса сифатида эмас, балки муайян ижтимоий жараёнлар ва қонуниятлар маҳсули сифатида изоҳлашга қаратилган илмий концепциялар мажмуини ифодалайди.

Криминологик этиология жиноятнинг юзага келиш механизмини, унинг сабабий боғлиқлик тизимини ҳамда жиноят содир этилишига имкон яратувчи шарт-шароитларни комплекс таҳлил қилади. Бу назариялар доирасида жиноятчилик ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида макро (жамият миқёсидаги иқтисодий, сиёсий, маданий жараёнлар), мезо (ижтимоий гуруҳ, оила, маҳалла

муҳити) ва микро (шахсий-психологик хусусиятлар) даражаларда ўрганилади. Бунда сабаб (жиноятни юзага келтирувчи омил), шарт (унинг амалга ошишига имконият яратувчи ҳолат) ва омил (таъсир кўрсатувчи детерминант) тушунчалари ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил этилади.

Жиноятчилик этиологиясига оид назариялар шартли равишда бир нечта йўналишларга ажратилади.

Биринчи йўналишда детерминация назарияси таҳлил қилинади.

Жиноятчилик ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида муайян сабаблар ва шарт-шароитлар тизими таъсирида шаклланади. Криминология фанининг назарий қоидаларига кўра, жиноятнинг юзага келиши бирламчи сабабий омиллар ҳамда уларнинг амалга ошишига хизмат қилувчи ижтимоий муҳитнинг ўзаро таъсири билан изоҳланади¹.

Классик криминология мактаби вакилларида бўлган Чезаре Беккариа жиноят сабабларини, аввало, ижтимоий адолатсизлик, ҳуқуқий тизимнинг номукамаллиги ва жазо муқаррарлигининг таъминланмаганлиги билан боғлайди². Унинг фикрича, жиноят инсон иродасининг эркин танлови натижаси бўлса-да, бу танловга таъсир этувчи ижтимоий омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Позитивистик йўналиш асосчиси Чезаре Ломброзо эса жиноят сабабларини шахснинг биологик ва психологик хусусиятлари билан изоҳлашга ҳаракат қилган. Унинг назариясига кўра, айрим шахсларда жиноят содир этишга мойиллик табиий омиллар билан белгиланади³. Бироқ замонавий криминология бу қарашни бирёқлама деб ҳисоблаб, жиноятчиликни фақат биологик омиллар билан чеклаб бўлмаслигини таъкидлайди.

Социологик йўналиш намояндаларидан Эмиль Дюркгейм жиноятчиликни жамият тараққиётининг табиий ва муайян даражада муқаррар ҳодисаси сифатида баҳолаган. Унинг “аномия” назариясига кўра, ижтимоий меъёрлар заифлашган ёки ўзгариш даврида жиноятчилик даражаси ортиши мумкин⁴. Шу нуқтаи назардан, жиноятнинг сабаблари ижтимоий тартиб ва қадриятлар тизимидаги издан чиқиш билан боғлиқдир.

Замонавий криминологик тадқиқотларда сабаб ва шарт-шароит тушунчалари ўзаро боғлиқ, аммо мазмунан фарқли категориялар сифатида талқин қилинади. Сабаб — жиноятни келтириб чиқарувчи асосий, ҳал қилувчи омил бўлса, шарт-шароит — ушбу сабабнинг амалга ошишига имконият

¹ Криминология: Дарслик / Масъул муҳаррир З.С. Зарипов. – Тошкент: Адолат, 2020. – Б. 45–47.

² Dei delitti e delle pene / Ч. Беккариа. – 1764.

³ Кудрявцев В.Н. Причины преступности. – М.: Юридическая литература, 1968. – С. 15–29.

⁴ The Division of Labor in Society / É. Durkheim. – Paris: Félix Alcan, 1893. – P. 353–365.

яратувчи муҳитдир⁵. Масалан, иқтисодий қийинчилик сабаб сифатида намоён бўлиши мумкин, аммо назорат механизмларининг сустлиги, ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги ёки ижтимоий назоратнинг етарли эмаслиги шарт-шароит сифатида хизмат қилади.

Криминоген вазият айнан сабаб ва шарт-шароитларнинг ўзаро таъсири натижасида шаклланади. Яъни, муайян ижтимоий муҳитда жиноий ниятнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва амалга ошириши учун зарур бўлган омиллар мажмуаси юзага келади. Илмий адабиётларда таъкидланишича, жиноятчиликни бартараф этиш фақат жазо чораларини кучайтириш билан чекланмасдан, унинг сабаб ва шарт-шароитларини комплекс таҳлил қилиш ва профилактик чора-тадбирлар тизимини такомиллаштиришни талаб этади⁶.

Шу тариқа, жиноятчиликни илмий жиҳатдан англаш сабабий омилларни аниқлаш, шарт-шароитларни таҳлил қилиш ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини очиқ бериш орқали амалга оширилади. Бу эса жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали стратегиясини ишлаб чиқиш учун назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи йўналишда ижтимоий муҳит назарияси таҳлил қилинади.

Шахснинг хулқ-атвори ижтимоий детерминация қонуниятларига бўйсунувчи мураккаб ижтимоий-психологик жараён сифатида намоён бўлади. Инсон муайян ижтимоий муносабатлар тизимида шаклланади ва унинг ҳуқуқий онги, қадриятлар йўналиши, ахлоқий мезонлари ҳамда ижтимоий мўлжаллари айнан шу муҳит таъсирида қарор топади. Шу маънода, шахс ва муҳит ўртасидаги ўзаро таъсир икки томонлама характерга эга бўлиб, шахс ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади, айти пайтда ўзи ҳам мазкур муҳитга таъсир кўрсатади⁷.

Криминология ва социология фанларида ижтимоий муҳит шахс хулқ-атворининг муҳим детерминанти сифатида баҳоланади. Жумладан, Эдвин Сазерленд томонидан ишлаб чиқилган дифференциал ассоциациялар назариясига кўра, жиноий хулқ-атвор ижтимоий ўрганиш жараёнида, яъни шахснинг муайян гуруҳлар билан мулоқоти ва ўзаро таъсири орқали шаклланади. Демак, инсон қандай қадриятлар муҳитида тарбия топса, унинг хулқ-атвор йўналиши ҳам шунга мос равишда ривожланади⁸.

Аввало, оилавий муҳит шахс ижтимоийлашувининг бирламчи институти ҳисобланади. Оилада шакланган ахлоқий меъёрлар, ҳуқуқий тасаввурлар,

⁵ В.Н. Кудрявцев. Причины преступности. – М.: Юридическая литература, 1968. – С. 34–41.; И. Долгова. Криминология: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2018. – С. 112–118.

⁶ Долгова А.И. Криминология: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2018. – С. 112–118.

⁷ А.И. Долгова. Криминология: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2018. – С. 95–102.

⁸ Principles of Criminology / E.H. Sutherland. – Philadelphia: Lippincott, 1939. – P. 6–9, 75–79.

интизом ва масъулият туйғуси кейинги ижтимоий муносабатлар учун пойдевор вазифасини ўтайди⁹. Оилавий назоратнинг етарли эмаслиги, носоғлом маънавий-психологик муҳит, зўравонлик ёки бефарқлик ҳолатлари шахсда девиант ҳуқ-атвор шаклланишига замин яратиши мумкин. Шу жиҳатдан, оила жиноятчилиқ профилактикасида ҳал қилувчи ижтимоий институт сифатида намоён бўлади.

Иккинчидан, маҳалла ва тенгдошлар муҳити шахснинг ижтимоий мослашув жараёнида муҳим ўрин тутди. Норасмий гуруҳлар таъсири айниқса ўсмирлик даврида кучли намоён бўлади. Агар гуруҳда жиноий ёки девиант қадриятлар устувор бўлса, шахс уларни ижтимоий меъёр сифатида қабул қилиши эҳтимоли ортади. Бу ҳолат ижтимоий назоратнинг заифлашуви ва жамоатчилиқ таъсирининг камайиши билан боғлиқ.

Учинчидан, таълим муассасалари шахснинг ҳуқуқий онги ва фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим ижтимоийлашув институтидир. Таълим жараёнида нафақат билим, балки ҳуқуқий маданият, қонунга ҳурмат, ижтимоий масъулият каби сифатлар қарор топади. Таълим тизимидаги камчиликлар, тарбиявий ишлар самарадорлигининг пастлиги ёки ижтимоий адолат тамойилларига риоя этилмаслиги ёшларда ҳуқуқий нигилизмни шакллантириши мумкин.

Тўртинчидан, меҳнат жамоаси шахснинг ижтимоий мақоми ва ўз-ўзини англаш жараёнига таъсир кўрсатади. Бандликнинг таъминланмаганлиги, ишсизлик, меҳнат шароитларининг адолатсизлиги ёки ижтимоий тенгсизлик ҳисси криминоген омил сифатида намоён бўлиши мумкин. Бу борада Роберт Кинг Мертоннинг ижтимоий структура ва аномия назарияси муҳим аҳамият касб этади: жамиятда қонуний йўллар орқали мақсадларга эришиш имконияти чекланган шароитда девиант, жумладан жиноий ҳуқ-атвор юзага келиши мумкин¹⁰.

Шу тариқа, носоғлом ижтимоий муҳит – яъни ахлоқий қадриятлар заифлашган, ижтимоий назорат самарасиз, ҳуқуқий маданият паст бўлган шароит – криминоген вазиятнинг шаклланишига хизмат қилувчи асосий шарт-шароитлардан бири ҳисобланади. Бундай муҳитда шахснинг жиноий ният шакллантириши ва уни амалга ошириши эҳтимоли ортади.

Хулоса қилиб айтганда, шахс ҳуқ-атворининг жиноий йўналиш касб этиши кўп омилли ижтимоий жараён бўлиб, у оила, маҳалла, таълим муассасаси ва меҳнат жамоаси каби ижтимоий институтлар таъсирида шаклланади. Шу боис жиноятчилиқ профилактикасида мазкур институтларни мустаҳкамлаш, ижтимоий назорат механизмларини такомиллаштириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш устувор аҳамият касб этади.

⁹ В.Н. Кудрявцев. Причины преступности. – М.: Юридическая литература, 1968. – С. 58–64.

¹⁰ Social Theory and Social Structure / R.K. Merton. – New York: Free Press, 1949. – P. 185–214.

Учинчи йўналишда девиант хулқ-атвор назариялари ўрганилади.

Аномия, ижтимоий назорат ва субмаданият назариялари жиноятчиликни ижтимоий тизимдаги мувозанатнинг бузилиши, яъни ижтимоий нормалар ва институтлар фаолиятидаги дисфункциялар билан изоҳлайди. Ушбу назариялар доирасида жиноятчилик индивидуал нуқсон эмас, балки ижтимоий муҳит ва структурадаги ўзгаришлар натижаси сифатида талқин этилади.

Аномия концепцияси дастлаб Эмиль Дюркгейм томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у жамиятда меъёрий тартибнинг заифлашуви ёки қадриятлар тизимининг издан чиқиши ҳолатида девиант хулқ-атвор кучайишини таъкидлайди¹¹. Кейинчалик мазкур ғоя Роберт Кинг Мертон томонидан ривожлантирилиб, ижтимоий мақсадлар ва уларга эришишнинг қонуний воситалари ўртасидаги номутаносиблик жиноятчиликка олиб келиши асослаб берилган¹². Мертонга кўра, жамиятда умумқабул қилинган мақсадлар сақланиб қолган ҳолда, уларга қонуний йўллар орқали эришиш имконияти чекланган шароитда “инновация” шаклидаги девиация, яъни жиноий хулқ-атвор юзага келиши мумкин.

Ижтимоий назорат назарияси эса жиноятчиликни шахснинг жамият билан боғловчи ижтимоий алоқалари заифлашуви билан тушунтиради. Ушбу ёндашув Трэвис Хирши томонидан асослаб берилган бўлиб, у ижтимоий боғланишнинг тўрт унсури — боғланиш (attachment), мажбурият (commitment), иштирок (involvement) ва ишонч (belief) — сусайганда жиноят содир этиш эҳтимоли ортишини таъкидлайди¹³. Демак, ижтимоий назорат механизмларининг самарасизлиги криминоген вазият шаклланишига шароит яратади.

Субмаданият назариялари эса айрим ижтимоий гуруҳларда умумқабул қилинган қадриятлардан фарқ қилувчи, ҳатто уларга зид бўлган меъёрлар тизими шаклланишини кўрсатади. Бундай ёндашув Альберт Коэн томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у ёшлар субмаданияти доирасида жиноий қадриятлар мустаҳкамланишини таҳлил қилган¹⁴. Шунингдек, Клиффорд Шоу ва Генри Маккей томонидан илгари сурилган ижтимоий дезорганизация назариясига кўра, маҳаллий жамоалардаги институционал заифлик ва ижтимоий назоратнинг етарли эмаслиги жиноятчилик даражасининг ортишига олиб келади¹⁵.

Шундай қилиб, мазкур назариялар нуқтаи назаридан ижтимоий нормаларнинг заифлашуви, қадриятлар тизимидаги зиддиятлар ва ижтимоий назорат механизмларининг самарасизлиги криминоген вазиятни юзага

¹¹ Le Suicide / É. Durkheim. – Paris: Félix Alcan, 1897. – P. 247–276.

¹² З.С. Зарипов. Криминология: Дарслик. – Тошкент: Адолат, 2020. – Б. 52–58.

¹³ Ш.Т. Икрамов. Криминология. – Тошкент: TDYU нашриёти, 2018. – Б. 87–93.

¹⁴ М.Х. Рустамбаев. Жиноят ҳуқуқи ва криминология масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 134–140.

¹⁵ Ниёзова С.С., Криминология. Ўқув қўлланма Тошкент давлат юридик университети.. – Тошкент, 2021. – Б. 101–109.

келтиради. Бу ҳолат жиноятчиликни ижтимоий тизим мувозанатининг бузилиши билан изоҳлаш имконини беради.

Тўртинчи йўналишда тизимли (системали) ёндашув ўрганилади.

Криминоген вазиятни самарали таҳлил қилишда унинг таркибий қисмларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Замонавий криминология фанларида криминоген вазият фақат жиноят содир бўлиши эҳтимоли билан чекланмай, балки унинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи турли ижтимоий, иқтисодий ва институционал омиллар мажмуаси сифатида қаралади¹⁶. Тизимли таҳлил нуқтаи назаридан, криминоген вазиятнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагича шакллантирилади:

Ижтимоий-иқтисодий омиллар – бу омиллар жамиятдаги иқтисодий шароитлар, даромадлар тақсимооти, ишсизлик даражаси, камбағаллик ва ижтимоий тенгсизлик билан боғлиқдир¹⁷. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги номутаносибликлар ва ресурсларга кириш имкониятларининг чекланиши девиант хулқ-атворни кўзғатувчи муҳим сабаб сифатида қаралади. Мазкур омиллар, айниқса ёшлар ва ижтимоий кам таъминланган қатламлар орасида жиноятчилик кўрсаткичларини оширишга хизмат қилади¹⁸.

Демографик омиллар – аҳоли таркиби ва динамикаси, масалан, ёшлар ва ёш катталар нисбати, миграция, аҳоли сифат кўрсаткичлари (маълумот, оилавий ҳолат) криминоген вазиятни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга¹⁹. Ёшлар орасидаги аҳоли концентрацияси ва миграция оқимлари қонуний назоратни сусайтириши ва жиноятчиликка олиб келиши мумкин.

Психологик омиллар – шахснинг индивидуал хусусиятлари, хулқ-атвор тенденциялари, стрессга чидамлилиқ даражаси ва ижтимоий мослашув қобилияти билан боғлиқдир²⁰. Психологик таҳлил қонуний ҳаракатлардан воз кечишга мойил шахсларни аниқлаш ва профилактика чораларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳукуқий ва институционал омиллар – бу омиллар давлатнинг қонуний назорат тизими, ҳукуқий маданият даражаси, жазо ва назорат механизмларининг самарадорлиги ҳамда ижтимоий институтлар (маҳалла, таълим муассасаси, меҳнат жамоаси) фаолияти билан боғлиқдир²¹. Ҳукуқий ва институционал заифликлар, шу жумладан, полиция ва суд тизимининг номукамаллиги криминоген вазиятни кучайтиради.

¹⁶ А.И. Долгова. Криминология: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2018. – Б. 112–118.

¹⁷ З.С. Зарипов. Криминология: Дарслик. – Тошкент: Адолат, 2020. – Б. 52–58.

¹⁸ Ш.Т. Икрамов. Криминология. – Тошкент: TDYU нашриёти, 2018. – Б. 87–93.

¹⁹ В.Н. Кудрявцев. Причины преступности. – М.: Юридическая литература, 1968. – С. 58–64.

²⁰ Principles of Criminology / E.H. Sutherland. – Philadelphia: Lippincott, 1939. – P. 75–79.

²¹ Social Theory and Social Structure / R.K. Merton. – New York: Free Press, 1949. – P. 185–214.

Ахборот-коммуникация муҳити — замонавий жамиятда ахборот технологиялари ва ижтимоий тармоқлар шахс хулқ-атворини шакллантиришда аҳамиятли омилга айланди. Ахборот-коммуникация муҳитида тарқатилган маълумотлар, медиадаги девиант моделлар ва норасмий гуруҳлар таъсири ижтимоий меъёрларнинг заифлашиши ва қонуний хулқ-атворнинг пасайишига олиб келиши мумкин²².

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, замонавий криминологияда сабаблар назарияси ва криминоген вазият тушунчасини чуқур ўрганиш жиноятчиликнинг юзага келиш механизмларини аниқлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида профилактик чоралар тизимини такомиллаштириш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса соҳанинг илмий ривожланиши ва жиноятчиликка қарши комплекс стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим илмий-тадқиқот асос бўлиб хизмат қилади.

²² А.Ш. Муродов. Криминология ва замонавий жамият. — Тошкент: Юридик нашр, 2021. — Б. 44–51.